

Саҳархезлик - фазилат



13:02 / 14.12.2018 3577

Савдогарларнинг муҳим одобларидан бири саҳархезлик ва ишни эрта бошлашдир.

Соҳр Ғомидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳим, умматимга саҳарини баракали қилгин!» дедилар. У зот лашкар ёки сарийя юборадиган бўлсалар, эрта тонгда юборар эдилар».

Соҳр тожир одам эди. Қачон тижорат (карвони) юборадиган бўлса, эрта тонгда юборар эди. У бой бўлиб, моли кўпайиб кетди».

Термизий ривоят қилди ва ҳасан деди.

Ҳар бир нарсада эрта саҳардан ҳаракат қилиш жуда ҳам фойдали ва баракотлидир. Чунки бунга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари кетган. Тажриба ҳам шуни кўрсатади. Нима иш қиладиган бўлсак, эрта саҳардан бошлашга одатланишимиз керак. Ўз меҳнати билан ризқу рўз топиш Ислому умматининг энг яхши авлоди – саҳобаи киромларнинг, энг кўзга кўринган сиймоларнинг одатлари эди. Аммо кейинги пайтларда одамлар, хусусан савдогалар саҳархезликка эътибор бермай қўйдилар. Кечалари турли бўлган-бўлмаган нарсалар билан машғул бўлиб, саҳар чоғида ухлайдиган бўлдилар. Бу бараканинг йўқолишига сабаб бўлувчи кабиҳ одатлардандир. Шунинг учун барча

мўминлар, хусусан савдогарлар сахархез бўлиш пайдан бўлишлари лозим.

Савдо одобларидан бири ниятни яхшилаш ва Аллоҳ таолони зикр қилишдир.

Исломда ҳар бир нарса ниятга боғлиқ экани маълум ва машҳур. Шунинг учун ҳам ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби тижоратда ҳам яхши ният шартдир. Ҳалол касб қилиш, топгани ўзига насиб қилиши, топганини яхшиликка сарфлаш, хайр-эҳсон қилиш каби яхши ниятлар қилинса, ишда ва молда барака бўлади.

Аллоҳ таолонинг зикри ибодатдир, шу билан бирга, ёмонликдан тўсовчи ва яхшиликка ундовчи кучли омилдир. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг баъзи ҳадисларида бозорга кирганда Аллоҳ таолонинг зикрини қилишга ундаганлар.

Савдогар ўзига ва оиласига ҳалол ризқ топиш ниятида бўлиши керак. Шу билан бирга, ўздан ортиб қолганини муҳтожларга эҳсон қилиш, савобли ишларга сарфлашни мақсад қилиши лозим. Афсуски, баъзи ҳолатларда ана шундай яхши ниятлар қилиш ҳақида мулоҳаза қилинмайди. Янги иш бошлаб, дўкони олдида турган савдогарни танишлари табриклар, «Муборак бўлсин, янги иш бошлабсиз-да», дейилса, «Ҳа, бир-иккитаси жиғимга теккан эди, ўшаларни синдиришни ният қилиб турибман», дейдиганлар ҳам йўқ эмас.

“Бозор ва унга боғлиқ масалалар” китобидан